

**Доривор ва озик-овкатбop ўсимликларини парваришлаш ва маҳсулот  
етиштириш бўйича намунавий технологик карталарни ишлаб чиқиш  
бўйича ШАРТНОМА № 23-2/2022**

2022 йил “ 23 ” Август

Тошкент в.

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг раиси **Н.Ж.Бакиров** (кейинги ўринларда – “Буюртмачи”) бир томондан, Озик-овкат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази номидан Уставга асосан ҳаракат қилувчи директор **А.Шукуров** (кейинги ўринларда – “Бажарувчи”) иккинчи томондан, қуйидаги шартлар асосида мазкур шартномани туздилар.

### **I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 январдаги “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасида меҳнат ва моддий-техник ресурслар сарфи меъёрларини янгилаш тўғрисида”ги 4-сонли (03-03/1-1520) баёни ҳамда Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси харид комиссиясининг 2022 йил 20 августдаги “2022-2026 йиллар учун мўлжалланган “Доривор ва озик-овкатбop ўсимликларни парваришлаш ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталарни ишлаб чиқиш бўйича” баённомаси (лот №135431)га асосан “Бажарувчи” “Буюртмачи”нинг топшириғига асосан 19 та экин тури бўйича “2022-2026 йилларга мўлжалланган доривор ва озик-овкатбop ўсимликларини парваришлаш ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталар”ни ишлаб чиқиш ва чоп этиш билан боғлиқ барча тадбирларни сифатли бажарилишини таъминлайди.

“Буюртмачи” “Бажарувчи”га лойиҳа доирасида хизмат ҳақини кўрсатилган миқдорда ва шартномада келишилган муддатда тўлайди.

“Доривор ва озик-овкатбop ўсимликларини парваришлаш ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карта ишлаб чиқиладиган доривор ва озик-овкатбop ўсимликларининг номлари, ҳар бир экин турига талаб этиладиган меҳнат ва моддий ресурслар миқдори шартноманинг I-иловасига мувофиқ;

2022-2026 йилларга мўлжалланган доривор ва озик-овкатбop ўсимликларини парваришлаш ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталарни ишлаб чиқиш ва чоп этиш билан боғлиқ барча тадбирларнинг харажатлар сметаси белгилансин.

## **II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ**

2. Шартнома баҳоси (қиймати) **328 255 000** (уч юз йигирма саккиз миллион икки юз эллик беш минг) сўмни ташкил этади.

3. Бажариладиган ишлар қиймати ишлаб-чиқилган смета ҳужжатлари асосида ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас.

## **III. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

4. “Бажарувчи”нинг мажбуриятлари:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 январдаги “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасида меҳнат ва моддий-техник ресурслар сарфи меъёрларини янгилаш тўғрисида”ги 4-сонли (03-03/1-1520) баёнига асосан шартноманинг 1-илоvasида келтирилган 19 та экин тури бўйича “2022-2026 йилларга мўлжалланган доривор ва озик-овқатбоп ўсимликларини парваришlash ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталар”ни ишлаб чиқиш ва чоп этиш билан боғлиқ барча тадбирларни сифатли бажарилишини таъминлаш;

намунавий технологик карталарни “Буюртмачи”га шартномада кўрсатилган муддатда, сифатли равишда тўлиқ бажарилишини таъминлаш;

ишларини амалга ошириш жараёнида бажарилган ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда “Бажарувчи” ўз кучлари билан ишлар қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни келишилган муддатда сифатли қилиб қайта бажаради;

“2022-2026 йилларга мўлжалланган доривор ва озик-овқатбоп ўсимликларини парваришlash ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталар”ни ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда Буюртмачига топширади.

шартнома маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш.

5. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

2022-2026 йилларга мўлжалланган доривор ва озик-овқатбоп ўсимликларини парваришlash ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталар”ни ишлаб чиқиш ва чоп этиш билан боғлиқ барча тадбирларни сифатли бажарилишини таъминлаш учун 30 фоиз миқдорида аванс бериш;

“Бажарувчи” шартнома бўйича бажарадиган ишлари жараёни устидан мониторинг олиб бориш;

Бажариладиган ишларини молиялаштиришни “Буюртмачи” ва “Бажарувчи” ўртасида тузилган шартномалар асосида амалга ошириш;

шартномани бажариш учун зарур бўлган ҳужжат ва маълумотлар билан “Бажарувчи”ни ўз вақтида таъминлаш;

шартномага мувофик бажарилган ишларни белгиланган тартибда қабул қилиш ва қолган маблағни “Бажарувчи”га тўлаб бериш .

#### **IV. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР**

6. Шартнома рўйхатидан ўтказилгандан сўнг, ўн кун муддатда “Буюртмачи” “Бажарувчи”нинг шартнома қайматининг 30 фоизи миқдорида аванс беради;

7. Бажарилган ишлар учун “Бажарувчи” билан ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

8. “Буюртмачи” мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб олтмиш кун мобайнида бажармаган тақдирда, “Бажарувчи” бу ҳақида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда “Буюртмачи”ни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир.

9. Шартнома қийматининг қолган 70 фоизи ишлар ҳажми қабул қилингандан сўнг амалга оширилади.

#### **V. БАЖАРИЛГАН ИШЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ**

10. Бажарувчи томонидан бажарилган ишларни қабул қилиб олиш мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар, талаблар бажарилганидан кейин, “Буюртмачи” ва “Бажарувчи” вакилларида иборат комиссия томонидан ўрганиб чиқилиб, тузилган далолатнома асосида амалга оширилади.

11. Бажарилган пудрат ишларининг сифатсиз бажарилганлигини аниқланган тақдирда ушбу ишлар “Бажарувчи” томонидан бажарилгандан сўнг, топшириш-қабул қилиш ишлари амалга оширилади.

12. Бажарувчи томонидан бажариладиган ишлар далолатномага асосан “Буюртмачи” томонидан қабул қилиб олингандан сўнг, шартнома мажбуриятлари бажарилган ҳисобланади.

#### **VI. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

13. “Бажарувчи” томонидан бажариладиган ишлар шартномада белгиланган муддатда ва тартибда бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда, “Бажарувчи” “Буюртмачи”га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

14. Шартномага мувофиқ молиялаштиришни ўз вақтида амалга оширмаганлик учун “Буюртмачи” “Бажарувчи”га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

15. Неустойка (жарима, пеня) тўлаганлигидан қатъи назар, шартнома мажбуриятларини бузган тараф иккинчи тарафга ана шу зарар оқибатида ўзи етказган зарар қисмини ҳам қоплайди.

16. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

## **VII. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МОЖОР) ХОЛАТЛАРИ**

17. Агар, ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, тарафлар бунда қисман ёки тўлиқ бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

18. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

19. Агар, енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда “Бажарувчи” ва “Буюртмачи” ишларни давом эттириш ёки тугатиш учун қандай чоралар кўрилишини маҳокама қиладилар.

20. Агар, тарафлар тўрт ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда тарафларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## **VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР**

21. Тарафлар шартнома тузишда, тарафлар Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун талабларини амалга ошириш, коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш, коррупцияга қарши кураш сиёсатини юритиш ва коррупцияга йўл қўймайдиган маданиятни шакллантириш, шартноманинг муддати ва шартларига амал қилиш, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар содир қилмасликка талаб этилади.

Коррупцияга қарши сиёсат қоидалари тўлиқ қабул қилинади ҳамда коррупцияга қарши сиёсат талабларига ўз томонидан ҳам, унга алоқадор

бўлган жисмоний ва юридик шахслар томониан ҳам ушбу битим бўйича иш олиб бориши таъминлаш мажбуриятини олади.

22. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

23. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эъвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

24. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки саклаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга хилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш, ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазйиқ ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

25. Тарафлар товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш ва ўтказишда битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни

олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат киладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьюторлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларларга) нисбатан қўйидаги ҳаракатларни амалга оширишлари шарт: - коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш; - улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик; - уларни фақат тарафларнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш; - уларга конунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

26. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат киладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

27. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 6.4- ва 6.5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйилганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф зарарни тўлик қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## **IX. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

28. Тарафлар шартномани ўз вақтида ва лозим даражада бажарилишини ўзаро текшириб турадилар.

29. Шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низоларни тарафлар келишувига асосида ҳал қилиш чораларини кўради, келишувга эришилмаган тақдирда конунчиликда белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан, шартномада назарда тутилган ҳолларда ёки тарафларнинг келишувига биноан — ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилади.

## Х. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

30. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

31. “Буюртмачи” билан “Бажарувчи” ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

32. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

33. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди ва тарафлар томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрь кунига қадар амал қилади.

## ХІ. ТАРАФЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

### “Буюртмачи”

Ўзбекистон Республикаси  
Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси

Манзил: Тошкент вилояти Қибрай  
тумани, Университет кучаси 2 уй.  
х/р: 23402000300100001010

Ш.х/р:

100010860262947042201142002

Банк: БМ ББ ХККМ Тошкент ш.

МФО: 00014; ИНН .200934675.;

ОКОНХ: 97300,

ИНН ғазначилик: 201122919

### “Бажарувчи”

Озиқ-овқат ва кишлоқ хўжалиги  
соҳасида стратегик ривожланиш ва  
тадқиқотлар халқаро маркази,

Манзил: Тошкент вилояти Қибрай  
тумани, Университет кўчаси, 2 уй.

х/р: 23402000300100001010

Ш.х/р:

400110860262777048210082001

Банк: БМ ББ ХККМ Тошкент ш.

МФО: 00014; ИНН 309225266

ОКЭД: 01500

ИНН ғазначилик: 201122919

Ўзбекистон Республикаси  
Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси  
раиси

Озиқ-овқат ва кишлоқ хўжалиги  
соҳасида стратегик ривожланиш  
ва тадқиқотлар халқаро маркази  
директори



Н.Ж.Бакиров



А. Шукуров

Доривор ва озик-овқатбop ўсимликларини  
 парваришлаш ва маҳсулот етиштириш  
 бўйича намунавий технологик карталарни  
 ишлаб чиқиш бўйича шартномага  
 1-илова

Доривор ва озик-овқатбop ўсимликларини парваришлаш ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик  
 карта ишлаб чиқилadиган доривор ва озик-овқатбop ўсимликларининг номлари, хар бир экин турига талаб  
 этиладиган меҳнат ва моддий ресурслар миқдори

№	Экин турлари	Бажариладиган агротехник тадбирлар сони	Техкارتани тайёрлаш учун сарфланадиган киши куни	Талаб этилади маблағ минг сум
<b>Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси</b>				
1	Баргизуб	24	86	14429
2	Тирнокгул	29	104	17435
3	Мойчечак	28	101	16834
4	Арслонкуйрук	28	101	16834
5	Қизилмия	37	133	22244
6	Оддий кора зира	26	94	15631
7	Итбурун наъматак	46	166	27655
8	Стевия	21	76	12625
9	Маккаи сано	24	86	14429
10	Ингичка баргли лаванда	26	94	15631
11	Сассик коврак	26	94	15631
12	Тожик ковраги	26	94	15631
13	Тиканли ковул	28	101	16834



№	Экин турлари	Бажариладиган агротехник тадбирлар сони	Техкارتани тайёрлаш учун сарфланадиган киши куни	Талаб этилади маблағ минг сум
14	Тукли эрва (полгпола)	29	104	17435
15	Седана	32	115	19238
16	Олаўт (расоропша)	30	108	18036
17	Валерианка	28	101	16834
18	Экма заъфарон (шафран)	28	101	16834
19	Арпабодиён	30	108	18036
	<b>Жами</b>	<b>546</b>	<b>1966</b>	<b>328255</b>

*Абдулхамид (Фарманов Т.)*

Доривор ва озиқ-овқатбоп  
ўсимликларини парваришlash ва  
маҳсулот етиштириш бўйича намунавий  
технологик карталарни ишлаб чиқиш  
бўйича шартномага  
2-илова

“Келишилди”

Ўзбекистон Республикаси  
Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси  
раиси



Н.Ж.Бакиров

“Тасдиқлайман”

Озиқ-овқат ва кишлоқ хўжалиги соҳасида  
стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар  
халқаро маркази директори



А.Шукуров

2022-2026 йилларга мўлжалланган доривор ва озиқ-овқатбоп

ўсимликларини парваришlash ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий  
технологик карталар”ни ишлаб чиқиш ва чоп этиш билан боғлиқ барча  
тадбирларнинг харажатлар сметаси

т/р	Кўрсаткичлар	Суммаси, минг сўмда
1.	Иш ҳақи	162716
2.	Иш ҳақиға нисбатан ажратмалар 25%	40679
3.	Хизмат сафари	49238
4	Чоп этиш харажатлар	26260
4.	Кузда тутилмаган харажатлар	6546
	<b>Жами харажатлар</b>	<b>285439</b>
5.	Устама харажатлар	42816
	<b>Жами шартнома суммаси</b>	<b>328255</b>

Ферманов Г.



**Доривор ва озиқ-овқатбоп ўсимликларни парваришlash ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталарни ишлаб чиқиш юзасидан Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Харид комиссиясининг**  
**БАЁННОМАСИ**

**Танлов ўтказиладиган жой манзили:** Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси 2-уй.

**Сана:** 2022 йил 22 Август.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 январдаги “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасида меҳнат ва моддий-техник ресурслар сарфи меъёрларини янгилаш тўғрисида”ги 4-сонли (03-03/1-1520) баёнига асосан 19 та экин тури бўйича “2022-2026 йиллар учун мўлжалланган “Доривор ва озиқ-овқатбоп ўсимликларни парваришlash ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталарни ишлаб чиқиш юзасидан 2022 йил 8 август куни etender.uzex.uz сайтига танлов эълон қилинган.(лот рақами – 135431)

**Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2022 йил 17 мартдаги 50-сонли буйруғига асосан тасдиқланган куйидаги Харид комиссияси аъзолари танловда қатнашдилар:**

- 1) Н.Бакиров – Раис, Комиссия раиси;
- 2) Ғ.Қурбонов – Раис ўринбосари, Комиссия раиси ўринбосари;
- 3) Р.Сулаймонов – Бошқарма бошлиғи, Комиссия аъзоси;
- 4) М.Шожалилов – Давлат ўрмон кадастри ва гидромелиорация бўлими бошлиғи, Комиссия аъзоси;
- 5) А.Исламов - Бошқарма бошлиғи, Комиссия аъзоси;
- 6) А.Қодиров - Бўлим бошлиғи, Комиссия аъзоси;
- 7) О.Хўжаев - Бошқарма бошлиғи, Комиссия аъзоси;
- 8) Н.Хушназаров- Ички аудит хизмати, Комиссия аъзоси;

**Танлов иштирокчилари:**

1) Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар ҳалқаро маркази (СТИР 309 225 266).

2) Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш илмий-ишлаб чиқариш маркази (СТИР 200 917 434).

Мазкур лот юзасидан 2(икки) иш куни давомида ҳеч қандай таклифлар келиб тушмади ва норозиликлар билдирилмади.

Харид комиссияси аъзолари иштирокчилар томонидан тақдим этилган таклифларга etender.uzex.uz сайтида қуйидагича якуний балл беришган;

№	Иштирокчи номи	Техник қисмга берилган умумий балл	Молиявий қисмга берилган умумий балл	Жами балл
1	Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази	24	70	94
2	Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш илмий-ишлаб чиқариш маркази	18	70	88










Харид комиссияси барча ҳужжатлар билан танишиб, қуйидагича **қарор қилди:**

1. Харид комиссияси аъзолари томонидан берилган балларга мувофиқ , Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази (СТИР 309 225 266) **танлов ғолиби** деб топилсин.

2. Мазкур баённома нусхалари танловда иштирок этган иштирокчиларга уларнинг талаблари асосида тақдим этилсин.

3. Танлов ғолиби билан 3 кун муддат ичида икки нусхада шартнома тузилсин.

#### Харид комиссияси аъзолари:

	Ф.Курбонов		М.Шожалилов
	А.Исламов		А.Қодиров
	О.Хўжаев		Н.Хушназаров
	Р.Сулаймонов		У.Рузиев
Котиб:			М.Бердиев